Истиқлолнинг 32 йиллиги байрами муносабати билан «Фарғонаазот» АЖ корхонаси ёш ходимлари билан «Раҳбар ва ёш ходимлар» учрашуви ташкил этилди.

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Нигора Алимжоннова мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишловчилар юзасидан атрофлича сўз юритди.

Учрашувда ёш ходимлар учун корхонада амалга оширилаётган ишлар, яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар тўғрисида маълумот берилди. Таъкидландики, ҳозирда «Фарғонаазот» АЖ корхонасида 1 минг 559 нафар ёш ходим меҳнат қилаётир. Жамоа шартномасига асосан улар учун кўп-лаб имтиёз ва қулоқлар амалда қўллаб келинмоқда.

Жумладан, биринчи бор турмуш қураётган ёш оилаларга моддий ёрдам ва ёш ходимларга сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга қақирлиши муносабати билан фондсиз ссудалар бериляпти. Санаторийларга имтиёзли йўланмалар ажратилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида бола парва-

риши таътилида бўлган 182 нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатилиб, 123 нафар ёшга яқин қариндоши вафот этгани, соғлигини тиклаши учун дори-дармон сотиб олиши учун моддий кўмаклашилди.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил» дастури доирасида ёшлар учун туристик саёҳатлар, мини-футбол, югуриш марафони, шунингдек, заковат интеллектуал ўйини ташкил этилмоқда.

Учрашувда, жумладан, ёшларни касаба уюшмаси фаолиятдан кенгроқ хабардор қилиш мақсадида касаба уюшмаси «Заковат» ўйинларини республика-тармоқ даражасида ташкил этиш, ишлаб чиқариш цехи мутахассиси бўлган ёшларни тармуш қураётган ёш оилаларга моддий ёрдам ва ёш ходимларга сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга қақирлиши муносабати билан фондсиз ссудалар бериляпти. Санаторийларга имтиёзли йўланмалар ажратилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида бола парва-

**Илҳомжон УМАРОВ,**  
«Фарғонаазот» акциядорлик жамияти ёшлар билан ишлаш комиссияси раиси

**Бухоро вилояти**



**Ободлик Ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп**

Анъанага мувофиқ юртимизда энг улуг, энг азиз байрам олдида ободонлаштириш ойлиги эълон қилинди. Мақсад давлатимиз мустақиллигининг 32 йиллигини нишонлашга пухта ҳозирлик кўриш, «маҳалладан хонадонгача» таъмоийли асосида ҳудудларни ободонлаштириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишдир.

Шофиркон туманида давом этаётган бу хайрли ишларда «Шофиркон тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси ҳамда ободонлаштириш бошқармаси ишчилари, қолаверса, ҳудуддаги «Бо-боато» маҳалласи аҳли

ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб боришяпти.

Йўллар, ариқлар, қабристонлар тозаланиб, даррактлар тартибга келтириляпти. Маиший чекиндилар олиб чиқиб кетилмоқда. Ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, теваракатрофни тартибга келтириш натижасида кўчаларга ўзгача фойз кирди. Зотан, ободлик, саранжомлик бўлган жойда қут-барока ва тан-сиҳатлик ҳукм суради.

**Акмал БАХРОМОВ,**  
«Шофиркон тумани йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси

**Тошкент вилояти**

Нурафшон шаҳридаги «Тонг» маданият марказида «Энг улуг, энг азиз» анъанавий кўрик-танловининг Тошкент вилоят босқичи ўтказилди.

**Кўрик-танлов Журналистларга саёҳат йўланмалари**

Маълум қилинишича, ушбу танловда вилоятдаги 80 нафар ижодкорнинг 960 та ижодий иши ўрганиб чиқилган.

Яқуний натижаларга кўра, ёзувчи ва шоирларнинг баддий асарлари, босма нашрлар, телевидение ҳамда тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн йўналишларида фахрли ўринларни эгаллаган ижодкорлар тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раиси Мурод Носиров ҳам иштирок этиб, ижодкорларга ўзининг самимий тиллақларини билдирди. Сўнгра 15 нафар журналистга Хива шаҳрига саёҳат қилиш имкониятини берувчи махсус йўланмалар топширилди.

**Холида ЭГАМБЕРДИЕВА**  
«ISHONCH»



**Анджон вилояти**

**СОҒЛОМ ТУРМУШ УЧУН**

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашида 243 та бошланғич касаба уюшма кўмитаси бўлиб, аъзолар сони 80 минг 867 нафарни ташкил этади.

25-27 август кунлари тармоқ корхоналари ишчи-ходимлари ўртасида уюштирилган IV тармоқ спартакиадада республика босқичи, кутилганидек, ўта қизғин кечди.

Мусобақалар уч босқичда уюштирилди: I босқич корхона, ташкилот ва муассасалардаги ишчи-ходимлар ўртасида; II босқич вилоятлардаги корхона ва ташкилотлар ўртасида; III республика босқичи Андижон вилояти «Хонобод» санаторийида.

Финалда 8 та жамоа, 100 нафардан ортиқ ишчи-хо-

дим спортнинг 7 тури (шахмат-шашка, стол тенниси, дартс, сузиш, арқон тортиш ҳамда мини футбол) бўйича беллашди.

Айниқса, мини-футбол барчада катта қизиқиш уйғотди ва Жиззах вилояти жамоаси ғалабаси билан якун топди.

– Мусобақани ўтказишдан асосий мақсад ишчи-ходимларни спортнинг оммавий турларига жалб этиш орқали меҳнат самарадорлигини оширишга кўмаклашиш ҳамда турли касб касалликларидан спорт ва соғлом

турмуш тарзи орқали муҳофаза қилишга эришиш, – дейди Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Аҳмадхон Ҳаққулов. – Ўйлайманки, ҳаёт тўғрисида бораётганимизни яна бир карра тасдиқлади. Муҳими, иштирокчилар спорт, соғлом турмуш тарзи саломатлик манбаи эканини тушуниб етишди. Шу маънода мусобақаларда нўтақанлар бўлмади.

Ҳамма билан ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирландилар.

**Шерзодбек БЎТАЕВ,**  
Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раиси

**Навоий вилояти**

**ОВУЛДА ЯНГИ МАЖМУА**

Бухоро минтақавий темирйўл узели унитар корхонасининг Навоий-Учкудук темирйўл линияси кесиб ўтган Конимех тумани «Кара-катта» бекатида мустақилликнинг 32 йиллиги ҳамда Кара-катта овулининг 65 йиллиги муносабати билан замонавий спорт мажмуаси ва мини-футбол майдончаси фойдаланишга топширилди.

**Бунёдкорлик**

Темирйўлчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида бунёд этилган янги мажмуанинг очилиш маросимида қурилишда фаол иштирок этган 20 нафар Учкудук темирйўл масофаси ишчи-ходимлари Бухоро минтақавий темир йўл узели худудий касаба уюшма кўмитаси томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Равшан ЯНГИЕВ,**  
темирйўл ходими



# МАФТУНКОР ТАБИАТ ШАЙДОЛАРИГА ТУҶФА



**Мафтункор табииати билан машҳур Зомин тоғлари тўрт фаслда ҳам ўзгача тароватга эга. Осмонўпар тоғлар, сурурбахш тоғ ҳавоси, майин шабада, шарқираб оқиқ турувчи жилвакор сой оҳанги, қўшларнинг сайраши...**

Буларнинг барчаси Жиззах вилоятида «Зомин» туристик-рекреацион зонаси ташкил этилишининг асосий омилларидан бўлса, ажаб эмас.

Австриянинг «Spatial data management» лойиҳалаштириш консалтинг компанияси билан ҳамкорликда ҳудудда дастлаб 225 ўринли анжуманлар саройи, оилавий кўн-гилочар марказ, 4 та тўрт юлдузли, 7 та уч юлдузли меҳмонхона, 5 та замонавий дор йўли, 6 та апартамент уй, 7 та ресторан ва кафе, 8 километрли тоғ чанғи учуш трассаси, 13 та аттракцион қурилиши режалаштирилган. Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу объектларнинг дастлабки қиймати 2,8 триллион сўм. Бугунги кунда тижорат банклари маблағлари ҳисобидан 3 та замонавий 360 ўринли меҳмонхонанинг қурилиш ишлари якунланди.

«Зомин» туристик-рекреацион зонаси ҳудудда замонавий дор йўли ва кўп қаватли автотураргоҳнинг фойдаланишга топширилиши лойиҳа доирасидаги ишларнинг қай даражада кечаётганидан далолатдир.

Кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилган тадбирда Зомин тумани ҳокими Алишер Абдуғаниев жорий йилда ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, маросимда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси раиси Умид Шодиев, меҳнат фахрийси Мирзоулф Ҳайдаров ҳам сўзга чиқди.

«Умиллийбанк» АЖ буюртмасига асосан «Голд степ» МЧЖ томонидан бунёд этилган замонавий дор йўли ва кўп қаватли автотураргоҳнинг қурилиш-монтаж ишлари учун 133,3 миллиард сўм сарфланди. Ушбу лойиҳа доирасида Швейцариянинг дунёга машҳур «Бартолет АГ» компанияси томонидан 6,72 миллион евро миқдоридagi дор йўли ускуналари етказиб берилди.

Бугунги каби объектларнинг фойдаланишга топширилиши сайёҳлар оқими янада кўпайишига хизмат қилади, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши раиси Нусратулла Пардаев. – Яқиндагина Зоминга илк парвознинг амалга оширилиши ички туризм ривожини йўлидаги муҳим қадам бўлган эди. Эндиликда сайёҳлар нафақат тоғ ҳавоси ва гўзал манзарадан баҳраманд бўлишди, балки уларга жаҳон талабларига мос тарзда хизматлар ҳам кўрсатилади.

«Зомин» олма дор йўлининг узунлиги 2 640 метр бўлиб, 12 та минорали 11 та устундан ташкил топган. Энг баланд миноранинг баландлиги 35 метрни, ерга қадар энг узққ масофа 74 метрни, дор йўлининг энг катта қиялиги эса 42 градусни ташкил этади.

Зоминда сайёҳларни кенг жалб қилувчи дор йўлининг барпо этилишида қатнашганимиздан жуда мамнунмиз, – дейди лойиҳанинг технологик назоратчиси Райн Холд Шмит. – Зоминнинг бетакрор табииоти юқоридан томоша қилиш имконияти сайёҳларга катта завқ бағишлайди. Бу мажмуанинг Мустақиллик байрами арафасида ишга тушгани, ўзбеклар оdatига кўра, тўйга тўнадир.

Дор йўлида миқозларни ташиш учун «Porsche» компаниясида ишлаб чиқарилган замонавий дизайнли 36 та кабина олиб келинган. Максимал ўтказиш қобилияти (бир томонлама) соатига 1200 нафар миқозни қабул қилиш қувватига эга.

Бундан ташқари, миқозларга кўшимча қулайликлар яратиш мақсадида дор йўлининг пастки станция ҳудудига йўлга металл конструкциялардан фойдаланган ҳолда 400 ўринли 5 қаватдан иборат автотураргоҳ қуриб битказилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ  
«ISHONCH»



## Тошкент шаҳри

## Рафбат

# ЭЛ КОРИГА ЯРАГАНГА НЕ ЕТСИН!

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган «Ишбилармон аёл – 2023» кўрик-танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.



«Azaliu» МЧЖ раҳбари Азиза Юсупова, иккинчи ўринга Олмазор туманида «MISS FEDISHA» бренди билан фаолият юритаётган корхона раҳбари Умида Нурридидова, учинчи ўринга Мирзо Улуғбек туманидаги «KAFTAN TEXTILE» МЧЖ раҳбари Санобар Танабаева муносиб деб топилди.

– 2015 йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланман, – дейди Санобар Танабаева. – Турли кийим-кечаклар тиқини йўлга қўйганмиз. 15 нафардан ортиқ хотин-қизни иш билан таъминлашга муяссар бўлдим. Зоминда ҳам филиалимиз бор. Ишимизни янада кенгайтириш ниятида-миз. Бундан танловлар бизга янада куч-ғайрат беради.

Ғолиблар ҳамда фаол иштирокчиларга партия ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва совғалари топширилди. Тадбирда эл суйган санъаткорлар томонидан қуйилган куй-қўшиқлар, бадиий чиқишлар барчага манзур бўлди.

Комила БОЙМУРОВА  
«ISHONCH»

## Наманган вилояти

«Ишбилармон аёл – 2023» кўрик-танловининг Наманган вилояти босқичида кўп йиллардан буён тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган, чет элдан юртимизга инвестиция жалб қилаётган ҳамда ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлашга сезиларли ҳисса қўшиб келаётган фаол тадбиркор хотин-қизлар ўз имкониятларини яна бир қарра синаб кўришди.

«Ишбилармон аёл – 2023»

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Якуний ҳулосага кўра, 3-ўринни Чуст туманидан миллий ҳунарманд Моҳигул Нейматжоновна кўлга киритди. 2-ўринга Давлатобод туманидаги «GASUP» хусусий фирмаси раҳбари Марина Жаббарова муносиб деб топилди. 1-ўрин эса «Чуст металлургия заводи» раҳбари Гулбаҳор Тожиимирзаевага насиб этди.

Танлов якунида иштирокчилар ҳамда ғолибларга ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Орзугул РУСТАМОВА  
«ISHONCH»

## Эълонлар


«MODERN ARCH DESIGN» МЧЖ (СТИП: 302 122 012) устив жамғармаси 12 973 248 130 сўм 36 тийиндан 12 823 598 130 сўм 36 тийинга камайитирилаётганини маълум қилади.

Талаблар Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Асалобод 2-мавзеси, 3-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

«GREEN TV» МЧЖ (СТИП: 302 996 279) устив жамғармаси 2 734 590 545 сўм 56 тийиндан 2 681 167 795 сўм 46 тийинга камайитирилаётганини маълум қилади.

Кредиторларнинг талаблари Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Жарқўрган кўчаси, 4-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

2009 йил 9 июль куни вафот этган, вафотига қадар Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри, 11-кичиқ туман, 30/43-уйда яшаган марҳум Ишматов Махмуджон Махаммаджоновичнинг мол-мулкига мерос иши очилгани маълум қилинади. Меросқўрлар Зарафшон шаҳри, «Қурувчилар» МФЙ, 4-кичиқ туманда жойлашган Зарафшон шаҳар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусга телефон (93-663-84-48) орқали муражаат қилишлари мумкин.



Қорақалпоғистон Республикаси

Дил сўзлари

# «ЯНГИ МҲИНОҚ» – МҲИЖИЗАЛАР АКС ЭТГАН КИТОБ

Мўйноқ туманида Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан тайёрланиб, нашр этилган «Янги Мўйноқ» китоб-альбомининг тақдироти бўлиб ўтди. Қуйида мазкур тадбирда иштирок этган мўйноқликларнинг дил сўзлари келтирилади.

## Тарихимиз кўзгуси

Аллоҳ умр берса, бу йил 64 ёшга кираман. Мўйноқда туғилиб улғайдим, аммо эсимни таниганимдан буён туманимиз тарихида яқин-яқингача бундай ўзгаришлар бўлмаган. Кейинги олти йил ичида бўлган ижобий ўзгариш, янгиликлар моҳият-маъниси, кўламини 100 йилга татийди, десам муболаға эмас.

«Янги Мўйноқ» китоб-альбомининг дастлабки саҳифаларида туманимизнинг аввалги кўринишидан лавҳалар билан ҳозирги келбати бирдан кўзга ташланади. Беш-олти йил ичида бунёд этилган замонавий тураржойлар, обод маҳаллалар, маданий-маиший масканлар, мактаб ва боғчалар, спорт майдончалари, мусиқа мак-

таби, стадион... бунёдкорлик миқёси четдан қараган одамнинг ҳайратга солиши мумкин. Альбомнинг 228-229-саҳифаларидаги Мўйноқнинг янги аэропорти суратларини кўриб, янада қувондим.

Тақдиротдан кейин китоб-альбомни нашрга тайёрлаган ва босмадан чиқарган ижодкорлар билан суҳбатлашдик. Бу фикрларим – таассуротларимнинг бир қатраси. Унинг ҳар бир саҳифасини янги тарихимизнинг ўзига хос кўзгусига ўхшатдим.

Абдижаппар ТИЛЕЎВА,  
Мўйноқ тумани Нуронийлар  
жамғармаси бошлиғи

## Ҳаёт ҳақида ҳикоялар

Бу китоб – Мўйноқнинг юзи, кейинги қисқа давр ичида туманда амалга оширилган катта янгиликлар, ўзгаришлар далили, дегим келади. Фикримнинг исботини ҳар бир саҳифада кўриш мумкин.

Китобда нафақат амалга оширилган ишлар натижалари, балки эртанги кун нафаси ҳам бор. Шубҳа йўқки, туманда соҳалар ривожини янада кўриш мумкин. Берилган имтиёзлар турмушимиз янада фаровон бўлиши учун мустақкам пойдевордир. Биз турмуш тарзимиз ўзгаришини кўп йиллар истаганимиз, аммо унинг амалга ошишини тасаввур қилолмасдик. Юртбошимиз айна шундай пайтда бизнинг аҳолиимизни ҳис эдилар, ҳаммадан кўра, биз катта ёрдамга муҳтож эканлигимизни эътироф этиб, 2016 йили

илк бора Мўйноққа таширф буюрган кунларидан эътиборан ислохотларни бошлаб юбордилар. Уша кундан Мўйноққа умид, ҳаёт қайтди.

Овулларимизга қайта сув келди, булоқлар қафта кўз очди, эртанги кунимизнинг истиқболли эканига ишончимиз қатъийлашди.

Ушбу китобни варақлар эканман, уни бир авлод тақдирининг таржимаи ҳоли, фахр билан айтишга, кўрсатишга арзийдиган ҳаёт йўли ҳақида ҳикоялар дегим келди.

Фотима КАРИМОВА,  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Маънавият ва маърифат маркази Мўйноқ  
тумани бўлим бошлиғи

## Залворли меҳнат меваси

Тўрт тилда босмадан чиқарилган «Янги Мўйноқ» китоб-альбому дунё юзини кўришига ишонаман, бу – мўйноқликлар учун катта ифтихор. «Янги Мўйноқ» китобининг тақдиротида қатнашган ҳар бир тумандошим кўзида фахр, қувонч кўрдим.

Китоб-альбомни варақлаган сайин қалбимга ўзгача туйғулар тўлди. Хурматли Президентимиз: «Кимдир бизнинг ислохотларимизга шубҳа қилса, Мўйноққа келиб кўрсин», деган бўлсалар, энди биз шу фикрга кўшимча равишда: «Кимдир Мўйноқдаги ўзгаришларга ишонч ҳосил қилолмасдик, китоб-альбомни варақласин», дейишим мумкин. Китоб саҳифаларини кўздан кечирарканман, дилдан «Шундай гўзал маконда яшайман», деган шукрона ўтди. Айниқса, қуриган денгиз ўзанида буй кўрсатиб келаётган ям-яшил саксувулзорларни кўриб, «Ота юртим яшил боғ

бўлиб борапти, боғу бўстони бор маконда яшаймиз энди», деб ўйладим. Китобни кўлга олиб эканман, унинг залворини ҳис этдим. Ҳа, Янги Мўйноқ залворли, машаққатли меҳнатларнинг ширин меваси! Бундай шарафли, оғир меҳнат ва жасорат ортида халқим, элим деб яшаётган инсон – Президентимиз Шавкат Мирзиёев турибди. Бу ғамқўрликлар, мислсиз ижобий янгиликлар учун чин дилдан раҳматлар айтмай.

«Янги Мўйноқ» китоби республикамизнинг барча туманлари кутубхоналарида бўлишини истаيمان. Шу билан бирга китоб-альбомни тайёрлаб нашр этганларга ҳам халқимизнинг миннатдорлигини билдираман.

Соҳибжамол ШАДДИНОВА,  
«Қорақалпоғистон» телеканалининг  
Мўйноқ тумани ҳудудий бўлими муҳбири

## Мен учун мислсиз совға

Бугун менинг китоб хазинамга яна бир бебаҳо бойлик қўшилди. Мустақиллигимизнинг 32 йиллик тантаналари арафасида нашр этилган бу китоб ҳар бир мўйноқлик учун қутлимган ва мислсиз совға бўлди, дейишимиз мумкин.

Салобатли, кўркем, қизиқарли, сермазмун саҳифалар. Унда туманимиз ташкил этилганидан буён халқимиз босиб ўтган машаққатли, ибратли ва синовли йиллар ҳамда ривожланиш босқичлари бирма-бир кўздан ўтди. Қувончимиз шундаки, бу китоб орқали Мўйноқдаги оламшумул ўзгаришлар, тараққиётдан бутун дунё аҳли хабардор бўлади.

Янгиланаётган Мўйноқ билан менинг ҳам умрим, тақдирим боғланган. Туманимизда кейинги йилларда ўнлаб, юзлаб иқтисодий-ижтимоий, маданий-маиший объектлар қурилиб ишга туширилди. Улардан бири – «Future Muynaq» ахборот-таълим марказида иш бошладик.

Биласизми, бугун марказимизнинг кўр-

кам биноси қад кўтарган ерлар илгари ташландиқ жойлар эди. Илгари Мўйноқда бундай кутубхона йўқ эди. Мана, бугун марказимиз Мўйноқнинг келажаги бўлган ёшларни тарбиялашга ҳисса қўшаётган зиёнага айланди. Китоб-альбомда кутубхонамиздан лавҳалар, ундаги китоб илос-мандалари, компьютерда шуғулланаётган ёшларнинг суратларини кўриб, тўлқинланаиб кетдим.

Мўйноқнинг ҳар бир қарич ерида янгиликлар, ўзгаришлар давом этмоқда. Халқимиз Юртбошимиздан беҳад миннатдор. Мен ҳам улар қаторидаман. Республикаимизнинг келажагини қуришга муносиб ҳисса қўшадиган ёшларни тарбиялашга бутун куч-қувватим, билимим, тажрибамни бағишлайман.

Венера САЪДУЛЛАЕВА,  
«Future Muynaq» ахборот-таълим  
маркази раҳбари

Муҳтарам УЛУҒОВА тайёрлади



Назм



Зулфия МУМИНОВА

## Шаҳид доболарим

**Қатағон қурбони бўлган миллат  
ойдинларининг ёрқин хотирасига  
бағишланади.**

Янги Ўзбекистоннинг гул кучоғига,  
Турналар келганда эслаймиз сизни.  
Хотира майдонидан оғир айланиб,  
Турналар кетганда эслаймиз сизни.

Юртда ҳар кун байрам, букюк юксалиш,  
Бунда Усмон Носир, Ғулом Зафарий.  
Боғлар гулга кирди, Беҳбудий ҳазрат,  
Мунаввар тонг муборак, Мунаввар Қори.

Ижод мактабидан сизга шеър айтар,  
Сизнинг изингиздан гавҳар терганлар.  
Сизга армон бўлган мактаб очилди,  
Мактаб очаман, деб жонин берганлар.

Жаҳолат занжирин тишлаб отган чоғ,  
Тишингиз қаерга тўқилди, пирим?  
Абдулла Авлоний номингиз айтсам,  
Зирқираб оғрийди томир-томирим.

Мактаб очаман, деб оч ўтганларим,  
Олов ютганларим, чўғ ютганларим.  
Газет очаман, деб қон қусганларим,  
Улуғ ўтганларим, қутлуғ ўтганларим.

Юртим театрлари бузун кошона,  
Кучоғида гуллар санъат, муҳаббат.  
Саҳна гулга тўлди, сизни чорлайди,  
Пардаларни очинг, Беҳбудий ҳазрат.

Усмон Носир совуқ Кемеровада  
Шеър ёзди. Дарёлар музлади қат-қат.  
Маърифат йўлларин ҳар бир қаричин.  
Салла билан артган Исҳоқхон Ибрат.

Файзулла Хўжаев, Пўлат Солиев,  
Ғози Олимдирсиз, Санжар Сиддиқсиз.  
Анқабой Худойбаҳт, Отажон Ҳошим,  
Халқига содиқсиз, Ҳаққа содиқсиз.

Абдулхай Тожиев, Қурбон Берегин,  
Аъзам Айюбларнинг изларидиримиз.  
Биз ҳам халқим, дея, оёққа қалқан,  
Жулқунбойнинг ўғил-қизларидиримиз.

Янги Ўзбекистоннинг янги боғида,  
Илм ила ирфонни эслатар сизни.  
Борса қайтмаслардан ватанга қайтган,  
Турналар қарвони эслатар сизни.

Асрлар ўтажак, йиллар ўтажак,  
Маърифат дostonи эслатар сизни.  
Номингиз тақдорлаб гул фаслларда,  
Шаҳидлар хиёбони эслатар сизни.

# Кўп асал ейишдан ТИЙИЛА ОЛАМИЗМИ?

Долзарб мавзу

**Тил ҳақида, тил муаммолари ҳақида асосан октябрь ойида ёзамиз, гапираемиз. Тўғри, бошқа пайтларда ҳам бу ҳусусда гап-сўзлар бўлади, ижтимоий тармоқларда, газета-журналларда онда-сонда постлар, мақолалар бериллади. Демокриманки, бу мавзуда изчиллик етишмаётганга ўхшайди.**

Нега шундай? Нима, тилимиз тақдирини ўйлаш, унинг софлиги, қадр-қимматини кўтариш масаласи мавсумийми?

Йўқ! Ундай бўлиши мумкин эмас! Шундай мавзулар борки, улар ҳақида йил – ўн икки ой мунтазам ёзиш, гапириш даркор. Булар – давлат тили, Мустиқиллик, Конституция, Алишер Навоий мавзулари.

Фикримни ёйиброқ айтадиган бўлсам, она тилимизни қадрлаш, унинг бойлигини, гўзаллигини, нафосатини кўрсатиш бўлса, софлигини таъминлашни истасак, бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз изчил олиб борилмоғи зарур.

Мустиқиллик мавзуси ҳам худди шундай. Эришаётган барча ютуқларимизнинг асоси Мустиқиллик экан, унинг аҳамиятини, асл моҳиятини доимий равишда тушунтириб бериш талаб этилади. Мустиқиллик байрам яқинлашганда гапириш, ёзиш ёхуд муайян тадбирлар ўтказиш билан кифояланиб қолиш етарли эмас. Конституция – бош қонунимиз. Уни янги таҳрирда қабул қилдик. Янги таҳрирдаги Конституцияимизнинг мазмун-моҳиятини, киритилган янги моддалар ва ўзгаришларни ҳамма тушуниб, англаб етдимиз. Ҳозирча ижобий жавоб бериш қийин. Модомики, ҳуқуқий давлатда яшаётган эканмиз, ҳар бир фуқаро ўзининг ҳуқуқини ҳам, бурчинини ҳам аниқ билмоғи керак. Бунинг учун бизга асосий ҳужжат Конституциядир.

Ўзбек тили билан Навоийни айрича тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳазрат она тилимиз – ўзбек тилининг кудратини, гўзаллигини нафосатини, бойлигини бўйи баста билан оламга кўрсатиб қўйган. Жаҳон адабиётида биринчи «Хамса»ни Низомий ҳазратлари яратган. Низомий «Хамса»си форс тилида битилган. Биринчи туркий «Хамса»ни Навоий ҳазратлари ўзбек тилида ёзганки, бу билан наинки бизнинг миллатдошларимиз, балки барча туркий халқлар ҳар қанча фахрланса арзийди. Навоийнинг сўз бойлигига биргина мисол. Ҳазрат ўз асарларида 26 минг сўз ишлатган. Таққос учун: улуғ рус шоири Пушкин 17 минг сўз қўллаган. Шундай экан, Навоийни ҳар кун ўқимок, ўрганмоқ керак ва шарт.

Энди асосий масалага қайтайлик. Ўзбек тилининг бугунги аҳволи қандай, унинг бойлигини сақлаб қолиш, гўзаллигига тароватини кўз-кўз қилиш учун нима ишлар қилинмоқда? Қилинаётган ишлар талабага жавоб берадими? Мен Америка очмоқчи эмасман. Айрим, нисбатан кичик, масала ва мисоллар борасида ўзимнинг шахсий фикрларимни баён қилмоқчиман, холос. Бинобарин, ҳар қандай йирик масалалар майдан ишлардан бошланади.

Ўзбек тилининг жонкуяри биринчи галда қалам аҳли, яъни, ёзувчи, шоир ва журналистлар. Биз – қалам аҳли кўча-кўйда, рекламаларда, турли ёриқларда, шорларда ўзбек тили бузилгани тўғрисида куюниб гапираемиз, ёзамиз ва тўғри қилаемиз. Аммо, афсуски, ўзимизнинг фаолиятимизга ҳар доим ҳам эътибор қилавермайми.

Сўзларнинг маъносини тушунмай ёхуд бошқа тиллардан сўзма-сўз таржима қилиб ишлатиш баъзи нашрларда, айрим ижтимоий тармоқларда одат тусига кирмоқда. Мисол: мунча сўм **иқтисод қилинди**, деб ёзамиз. Бу рус тилидаги **экономил** сўзининг сўзма-сўз таржимаси. Ўзбек **тежалди**, дейди, яъни, мунча сўм ёки мунча электр энергия **тежалди**, дейди. **Бежизга**, деб ёзамиз. Бу ерда **га** ортиқча! **Бежиз** айтмади, **бежиз** бормади, дейилади. Оллоҳ раҳмат қилсин, тил жонкуяри, фидойи олим Омонулло Мадаев бу ҳақда минг марта айтган бўлса керак, ҳар бир суҳбатда, чиқишида алоҳида таъкидлар эди. Домла ўтиб кетдилар, афсуски, **бежизга**, деб ёзишдан ҳамон воз кечолмадик.

Яна бир мисол. Бирон ишни қила олмайдиган бўлса, бунинг **иложи йўқ**, дейимиз. Негадир **иложиси йўқ**, деб айтадиган ва ёзадиган бўлиб қолдик. Энди мана бу гапга эътибор беринг. Эшмат ҳам, Тошмат ҳам келмади. Шу жумланинг бошқача шакли: На Эшмат, на Тошмат келди. Афсуски, кўп ҳолларда иккинчи шаклда ҳам **келмади**, яъни, на Эшмат, на Тошмат келмади, деб ёзамиз. Бу нотўғри.

Булар етмагандай туппа-тузук ўз сўзларимиз турганда хорижий сўзларни ишлатадиган бўлганмиз. Елгон деган сўзни қайси ўзбек билмайди, тушунмайди ёки ишлатмайди? Энди бунинг ўрнига **фейк** дейишга ўтдик. Бир замоналар русларнинг зодагонлари, окусялари оиласида французча гаплашиш маданият белгиси ҳисобланган. Лев Толстой асарлари, хусусан, «Анна Каренина» романи қаҳрамонларига эътибор қилсангиз буни аниқ сезасиз. Кейинчалик бу одат ўзимизга, яъни, «замонавий» ўзбек оилаларида ҳам урф бўлди, фарқи французча эмас, русча гаплашиш маданият белгисига айланди. Тил билишга, тил ўрганишга ҳеч ким қарши эмас, қанча тил ўрганса шунча яхши. Аммо ҳеч қайси тил она тили ҳисобига бўлмаслиги керак.

Оила – боланинг кўз очиб кўрган биринчи ва энг муқаддас маскани. У ерда жаранлаган тил, у ердаги саъй-ҳаракатлар бола онгида, қулгоғида муқим ўрнашиб қолади.

Ўзга тилдан сўз олиш мумкин. Бошқа тиллардан сўзлар олмаган тил бўлмаса керак. Ўзбек тилимиз ҳам бундан мустасно эмас. Лекин муайян шартлар бор, яъники, ўзга тилдан олиниши кўзда тутилган сўзларнинг ўзбек тилида муқобили бўлмаса хорижий сўздан фойдаланиш мумкин. Ўзбек тилида шу фикрни ифодаловчи сўз бўлгани ҳолда хорижий тилдан сўз кириштишга нима эҳтиёж бор?! Оллоҳга беадад шукурлар бўлсинки, тилимиз жуда бой ва гўзал. Бу тилда ҳар қандай мавзуда, ҳар қанақа ҳажмада асарлар битиш мумкин. Бунга исталганча мисол келтириш имкониятимиз бор. Лоақал Навоий, Бобур, Гулжаний, Фурқат, Муқимий, Ҳамза, Чўлпон, Қодирий асарларини эсга олайлик.

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида Ўзбекистонда дубляж санъати юқори чўққига кўтарилган эди. Айрим фильмлар аслидан кўра

таъсирлироқ ва қизиқроқ чиққани ўша фильмлар ижодкорлари – режиссёр ва актёрлар томонидан эътироф этилгани бор гап. «Иван Васильевич касбини ўзгартиради», «Ишдаги ишқ», «Тақдир ҳазили» каби фильмлар бунга мисолдир. Афсуски, она тилимиз бойликларини ўрганишга, юмшоқ қилиб айтганда, эринмоқдамиз. Бугунги авлод Навоий, Бобур тили у ёқда турсин, Фурқату Муқимий, Қодирий, Чўлпон, Ҳамза тилини ҳам яхши тушунмайдиган бўлиб бормоқда.

Тил ҳақида гап кетганда асло стилистикани четлаб ўтиб бўлмайди. Очиғини айтганда, бугун стилистика масаласига эътибор берадиганлар жуда кам. Оқибатда ғализ жумлалар, нима демоқчи бўлганини тушуниш қийин бўлган иборалар кўпайиб бораётир. Эга ва кесим ўз ўрнида ишлатилмайди. Масалан, учта ҳукумат қарори, деб ёзилади. Йўқ, ҳукумат битта. Ҳукуматнинг учта қарори, дейиш керак. Аниқ рақам айтилганда **лар** қўшимчаси қўшилмайди: **ўнта мактаблар** эмас, **ўнта мактаб** бўлади. Бу ҳақда Ўзбекистон Қаҳрамони, ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидов 2014 йилда «Ўзбекистон» нашриёти чоп этган «Сўз латофати» китобида қуйидагиларни куйиниб ёзган: «Тилимиздаги яна бир энгиллик шуки, саноғи айтилган нарсаларга кўплик белгиси **лар** қўшилмайди. Бу мантқан тўғри, чунки санокнинг ўзи кўпликни ифода қилади. Рус, инглиз тилларида саноғи маълум нарсаларга ҳам кўплик белгиси қўйилади. Бу икки тил таъсирида бизларда ҳам **ўнта китоблар**, **ўн иккита курслар** дегувчи чала муллар пайдо бўлди. Бу ҳол ўз она тилининг фазилатини билмаслик, менсимасликдир».

Кейинги вақтларда «манфаатлар тўқнашуви» деган ибора пайдо бўлди. Бу қариндош-уруғлар, таниш-билишлар ўзаро тил бириктириб, давлатнинг ёки

**Ўзга тилдан сўз олиш мумкин. Бошқа тиллардан сўзлар олмаган тил бўлмаса керак. Ўзбек тилимиз ҳам бундан мустасно эмас. Лекин муайян шартлар бор, яъники, ўзга тилдан олиниши кўзда тутилган сўзларнинг ўзбек тилида муқобили бўлмаса хорижий сўздан фойдаланиш мумкин. Ўзбек тилида шу фикрни ифодаловчи сўз бўлгани ҳолда хорижий тилдан сўз кириштишга нима эҳтиёж бор?!**

бирон-бир ташкилотми, фирманингми мулкни ўзлаштирганларга нисбатан ишлатилмоқда. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да **тўқнаш**, **тўқнашув** сўзларига шундай изоҳ берилган: «Ўзма-юз келмоқ, дуч келмоқ». Яна: «Ихтилоф, низо ва шу кабилар натижасида юз берган олашув, кураш». Мисол тарқиқсида автомобиллар тўқнашуви, кўшинлар тўқнашуви келтирилади. Дарҳақиқат, **тўқнашув** сўзида ижобий маъно йўқ, аксинча, қарама-қаршилик, томонларнинг ўзаро курашуви ифода этилади. Юқоридаги ҳолатларда эса томонларнинг бир-бирини қўллаши акс этади. Демак, «манфаатлар тўқнашуви» дейиш мантқан нотўғри. Бунинг ўрнига шундай ҳолларда, яъни, қариндош-



**Маматқул  
ҲАЗРАТҚУЛОВ,  
Ўзбекистон  
Республикасида  
хизмат кўрсатган  
журналист**

уруғлар, ошна-оғайниллар ўзаро келишиб, давлат мулкни, маблағини ўзлаштирса «бу ерда манфаатлар бирлашуви ёки келишуви бор» дейилса тўғрироқ бўлади.

Эркин Воҳидовнинг юқорида эслганимиз китобида шундай фикрлар бор: «Дунё тилшунослари эътироф этган, соддаликда бўлган, бойликда уммон тилимиз бор. Унинг ижодкори донишманд халқимиз, элнинг минг йиллар давомида етиштирган улуғ олимлари, шоирлари, закий фарзандлари. Бу улкан бойлик бизники, қонуний эгаси биз бўламиз. Биз миллионерларимиз. Бу хазинани асраб кўпайтирмоқ ҳам, совурмоқ ҳам мумкин. Очиғини айтганда, сўнгги ўз йил ичида тил бойлигимиз совурилди».

Энди бунга йўл қўймайлик, азизлар! Шукурки, компания тазийқидан, ўзгалар зўғумидан қутулдик, мустиқилликка эришдик. Унинг ўттиз икки йиллигини нишонламоқдамиз. Тил бойлигимизни асраб-авайламоқ, кўпайтирмоқ учун ҳуқуқий асосимиз – Конституцияимиз бор, алоҳида махсус қонунимиз бор! Бу хайрли ишга давлатимиз раҳбари бош-қош, раҳнамо бўлиб турибди. Президентимиз 2020 йил 23 сентябрь кунини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлади. Ушбу нуфузли Халқаро ташкилот тарихида биринчи марта ўзбек тили жаранглади. Бу тарихий воқеанинг қадрига етайлик, ҳар биримиз ўзимиз учун ўрнак, намуна, деб билайлик.

Демак, тил бойлигимизни асрамоқ учун барчамиз масъулмиз. Бу ишда майда нарсалар йўқ ва бу эзгу иш мавсумий эмас, доимийдир.

Мақола сўнггида бир ибратли ривоятни келтиришнинг лозим топдим. Бир она ўғлини донишманд-табибга олиб борибди. – Ўғлим жуда кўп асал ейди. Бир яхшилаб тушунтириб, насихат қилиб қўйинг, тақсир, – дебди она. Донишманд бироз ўйга толиб, қирқ кундан кейин келинг, дебди.

Она қирқ кун ўтиб ўғлини олиб келибди донишманд-табиб олдига. – Асал кўп ейсанми? – деб сўрабди боладан.

Бола тасдиқлабди. – Энди кўп ема. Асални ҳам кўп ейиш зарар. Тушундингми? – дебди донишманд.

Бола «тушундим» дебди. – Бўлди! – дебди табиб онага. – Кетаверинг.

Она ажабланибди: – Шу гапни қирқ кун олдин ҳам айтсангиз бўларди-ку. – Йўқ, қирқ кун олдин айтолмасдим, чунки у пайтда ўзим ҳам кўп асал ердим, – дебди донишманд. Онанинг таажуби янада ошибди: – Сиз кўп асал ейишингизни ўғлим туғул мен ҳам билмасдим-ку. Донишманд-табиб жилмайибди:

– Тўғри, сиз билмасдингиз, аммо ҳамма нарсани кўриб, эшитиб, билиб турувчи Зот бор-ку, – деб кўрсаткич бармоғи билан тепага ишора қилибди. – Ундан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди... Шундай экан, ўзим кўп асал еганим ҳолда болага кўп асал ейиш зарар, деб қандай айтаман...

Ҳўш, биз-чи? Кўп асал ейишдан ўзимизни тия олаёلمизми? Ҳар биримиз ўзимизга шу саволни берсак, фойдадан холи бўлмасди...

**МУАССИС:**

**O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi**

ISSN 2020-5009

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalari tahrir hay'ati:

**Qudratilla RAFIQOV** (tahrir hay'ati raisi),  
**Ulug'bek JALMENOVI,**  
**Anvar ABDUMUXTOROV,**  
**Sayfulla AHMEDOV,**  
**Akmal SAIDOV,**  
**Ravshan BEDILOV,**  
**Qutlimurot SOBIROV,**  
**Suhrob RAFIQOV,**  
**Shoqsim SHOISLOMOV,**  
**Hamidulla PIRIMQULOV,**  
**Nodira G'OYIBNAZAROVA,**  
**Anvar QULMURODOV**

(Bosh muharrirning birinchi o'rinborsari),  
**Mehridin SHUKUROV** (Mas'ul kotib – «Ishonch»),  
**Valentina MARSENYAK** (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

**Bosh muharrir**  
**Husan ERMATOV**

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43  
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**  
**Qoraqalpog'iston Respublikasi** – (+998-99) 889-98-20  
**Andijon viloyati** – (+998-99) 889-90-23  
**Buxoro viloyati** – (+998-99) 889-90-31  
**Jizzax viloyati** – (+998-99) 889-90-34  
**Namangan viloyati** – (+998-99) 889-98-02  
**Navoiy viloyati** – (+998-99) 889-90-28  
**Samarqand viloyati** – (+998-99) 889-90-26  
**Sirdaryo viloyati** – (+998-99) 889-98-55  
**Surxondaryo viloyati** – (+998-99) 889-90-32  
**Toshkent viloyati** – (+998-99) 600-40-44  
**Farg'ona viloyati** – (+998-99) 889-90-24  
**Xorazm viloyati** – (+998-99) 889-98-01  
**Qashqadaryo viloyati** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:**  
Z. Rixsiyev

**Musahhihlar:**  
D. Xudoyberganova,  
D. Ravshanova

**Sahifalovchi:**  
M. Shukurov

**Bosishga topshirish vaqti** – 00:50  
**Topshirildi** – 01:20

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzillimiz:**  
100165, Toshkent shahri,  
Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

**Tahririyat hisobraqami:**  
2021 0000 0004 3052 7001,  
ATIB «ipoteka bank»  
Yashnobod filiali,  
bank kodi: 00959,  
STIR: 201133889,  
OKED: 581130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 4 bosma taboq.  
Buyurtma **G-813**  
Nashr ko'rsatkichi: **133**  
1 2 3 4 5 6

**Umumiy adadi 30383**  
**14052** nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
**Korxonaning manzili:** Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

